ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 204 (10.509) / 2005 ЙИЛ 14 ОКТЯБРЬ

# ПАХТАЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИДА ЁРҚИН САҲИФА

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

*Қадрли дўстлар!*

*Авваламбор, сиз, азизларни — деҳқон ва фермерлар, ширкат хўжаликлари аъзоларини, теримчи ва механизаторлар, мутахассис ва мутасаддиларни, ҳосил тақдири ҳал бўладиган масъулиятли дамларда ўз ўрнини далада деб билган барча инсонларни эришган катта меҳнат ғалабангиз — 3 миллион 600 минг тонналик улкан хирмон барпо этиб, пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини муваффақиятли адо этганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишдан бахтиёрман.*

*Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон пахтачилиги тарихида том маънода янги, ёрқин саҳифа бўлмиш бу ажойиб ғалаба, яъни октябрь ойининг биринчи ярмида белгиланган юксак маррани эгаллаб, ҳосилни юз фоиз юқори сифат билан топширишга эришилгани замирида кўп-кўп омил ва мезонлар мужассам.*

*Бу ҳақда гапирганда, аввало, шу муқаддас диёримизда яшаётган одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккури юксалиб, ҳаётимизда рўй бераётган беқиёс ўзгаришларга ўзини бевосита даҳлдор деб ҳис қилиш, бу — менинг юртим, бу — менинг Ватаним ва унинг ютуқлари — менинг ютуғим, деган фикр билан яшаш ҳисси, фуқаролик туйғуси кучайиб бораётганини бугун қўлга киритаётган марраларимизнинг пойдевори деб қабул қилишимиз даркор.*

*Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда юртимизда янги ҳаёт, демократик жамият қуриш, бозор иқтисодиёти тамойилларини жорий этиш борасида, жумладан, биз учун етакчи соҳа бўлмиш қишлоқ хўжалигида, пахтачиликда амалга оширилаётган, олдин тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган туб ислоҳот ва янгиланишлар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади.*

*Одамларнинг ўз ишига, ҳаётга муносабати ўзгариб, ерга, мулкка эгалик ҳиссиёти кучайиб бораётгани, заҳматкаш деҳқон меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган амалий тадбирлар, қишлоқда асосий куч бўлмиш фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилаётгани, шунинг ҳисобидан етиштирилган ҳосилнинг 70 фоизи айнан фермер хўжаликлари томонидан тайёрлангани бу фикрнинг яққол тасдиғидир.*

*Шу билан бирга, мавжуд имкониятлар, авваламбор, ер ва сувдан, моддий ресурслар, техника воситаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, мўл ҳосил гарови бўлган ирригация ва мелиорация масалалари, қишлоқ хўжалиги корхоналарини минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш ишлари тўғри йўлга қўйилгани ҳам бугунги катта ютуқни қўлга киритишда мустаҳкам замин бўлганини айтиш ўринли, деб биламан.*

*Айни вақтда соҳанинг истиқболини ўйлаб, олимлар ва мутахассисларимиз томонидан замонавий илм-фан ютуқларини пахтачиликка татбиқ қилиш, серҳосил ва эртапишар навлар яратиш, зараркунандаларга қарши биологик усуллар билан курашиш, ғўзага ишлов бериш, ўз вақтида сифатли дефолиация ўтказишдаги ибратли янгилик ва тажрибалар, умуман, пахтачиликда юксак агротехника талаб ва усулларини жорий этиш эътиборга моликдир.*

*Албатта, бундай юксак марраларни эгаллаш учун аввало дала меҳнаткашларига тегишли шарт-шароит яратиб бериш, уларнинг даромади, ҳаёт даражаси, турмуш фаровонлигини ошириш, қишлоқ инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш, мухтасар айтганда, одамларнинг оғирини енгил қилиш учун қатъият билан доимий иш олиб бориш зарурлигини барчамиз яхши англаймиз.*

*Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида нафақат ишлаб чиқариш муносабатлари, балки қишлоқ ҳаётининг ўзи ҳам тубдан ўзгариб бораётгани, кўп йиллардан бери ечилмаган долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўлида салмоқли натижалар қўлга киритилаётганини мамнуният билан эътироф этсак, арзийди.*

*Кейинги йилларда юртимизда, энг аввало қишлоқ жойларда кенг кўламда бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилаётгани, жумладан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси мамлакатимиз бўйича 83 фоизга, табиий газ билан таъминлаш даражаси 81 фоизга ўсгани, қатор вилоятларда эса бу кўрсаткичлар 90-95 фоизга етгани, барпо этилаётган янги уйлар, маданий-маиший иншоотлар, боғ-роғлар, замонавий лицей ва коллежлар қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборгани бугун барчамизни қувонтиради.*

*Айниқса, умумтаълим мактабларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастуримизга асосан биргина шу йилнинг ўзида 105 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 53 та янги мактаб бунёд этилиб ишга туширилгани, 1044 та мактаб эса капитал ва жорий таъмирдан чиқарилганини шу йўлдаги дастлабки, аммо ғоят муҳим қадам сифатида баҳолашимиз лозим.*

*Шу борада сўнгги пайтда мамлакатимизда янги-янги шифо масканлари қаторида кўплаб қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилаётгани, бу эзгу мақсад учун жорий йилнинг ўзида давлат бюджетидан 5,5 миллиард сўм маблағ сарфлангани қишлоқ аҳлининг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, уларнинг ҳаёти ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз, албатта.*

*Табиийки, мана шундай ютуқларимиз кўпайиб, иқтисодиётимиз бақувват бўлиб борган сари халқимизнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, фаровонлигини ошириш учун имкониятларимиз ҳам кенгайиб бораверади.*

*Мен, фурсатдан фойдаланиб, бугунги улкан ғалабага муносиб ҳисса қўшган барча юртдошларимизга, бошқа экинларга нисбатан энг қийин ва кўп меҳнат талаб қиладиган, ўта мураккаб пахтачилик соҳасининг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келаётган уста пахтакорларимиз, фидойи бободеҳқонларимизга ҳурмат-эҳтиромим, қалб меҳримни изҳор этиб, чин дилдан таъзим қилишни ўзимнинг инсоний бурчим деб биламан.*

*Мана шу муборак рамазон кунларида бутун Ўзбекистон аҳлини эришилган юксак марра билан яна бир бор табриклар эканман, эл-юртимизга ўз марҳаматини кўрсатиб, йўлимизни очиб бераётгани учун Оллоҳ таолога шукроналар айтишимиз, биздан доимо мурувватини дариғ тутмаслигини сўрашимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.*

*Азиз пахтакорлар, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.*

*Ҳамиша омадингизни берсин, ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Зеро, бугун ободончилик, бизга қадим-қадимдан анъана бўлиб қолган ҳашар ҳақида сўз юритар эканмиз, гап аввалини Юртбошимизнинг: «Тошкентнинг тобора гўзал ва обод бўлиб бораётгани нафақат пойтахт аҳлига, ишончим комилки, бутун халқимизга қувонч ва ифтихор бағишлайди», — деган гаплари билан бошласак ўринли бўлади деб ўйлаймиз.**

*Ҳашар — элга ярашар*

## ЎЗ УЙИМИЗ, ЎЗ МАҲАЛЛАМИЗ ОБОДЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗ МАСЪУЛМИЗ!



### 15-16 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДА УМУМШАҲАР ҲАШАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Фарғона сафари чоғида бизга ҳамроҳ бўлган бир чет эллик меҳмон билан ўзаро суҳбатлашиб, ундан шаҳримиз ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик.

— Бу шаҳарда биринчи марта бўлишим. Лекин Тошкент менда катта таассурот қолдирди. У Европанинг манаман деган шаҳарларидан ҳеч бир қолишмас экан.

Биргина мана шу сўз, мана шу таърифнинг ўзи юртимиз тобора олам узра донг таратаётганлигини, Ўзбекистонимиз, унинг пойтахти Тошкентимизга бўлган хорижликларнинг қизиқиши кун сайин ошиб бораётганлигини билдириб турибди. Чиндан ҳам Президентимиз ташаббуслари билан амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳримиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Тошкентимизнинг барча ҳудудларида Истиқлол шарофати ила олиб борилаётган ўзгаришлар, янгиланишларнинг асл мақсади халқ фаровонлигини ошириш, эл-юрт ободлигини таъминлаш, пойтахтимизни жаҳон андозалари даражасидаги шаҳарлардан асло қолишмайдиган масканга айлантиришдек хайрли ишларга қаратилганлиги қувончлидир. Агар бу гапни Юртбошимиз таъбири билан айтадиган бўлсак: «Биздан келажак авлодларга азиз ва обод Ватан қолсин», деган сермазмун хитобни амалга ошириш йўлидаги уринишларимизнинг самарасидир.

Давоми 3-бетда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Самарқанд вилояти меҳнаткашлари қабул пунктларига 248 минг тонна хирмон уйган ҳолда давлатга пахта сотиш шартнома-режасини бажардилар.**

**• Кеча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида «Ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**• Кармана туманида «Навоий-Силк» қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Таъсисчилари Бирлашган Араб Амирликлари ҳамда сингапурлик сармоядорлар бўлган ушбу корхонада бир йилда 660 тонна пилла хом ашёси қайта ишланади.**

**• Шофиркон туманидаги Бобур номли ширкат хўжалиги марказида «Ревгар» номли янги болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Ушбу мажмуанинг қурилиши Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва тумандаги хомий ташкилотлар томонидан молиялаштирилди.**

### Жаҳонда

**• Жаҳон бозорида нефтнинг нархи яна оша бошлади. Чоршанба куни Нью-Йорк хом ашё биржасида бўлиб ўтган савдода нефтнинг бир баррели 82 центга қимматлашиб 62,67 АҚШ долларига баҳоланди.**

**• Австралиянинг «Вумера» ҳарбий полигонида япон ва француз олимлари товушдан тез учувчи пассажир самолётини синовдан ўтказишди. Янги самолёт ҳозирда парвози тўхтатилган машҳур «Конкорд» самолётларидан ҳам тез учади ва Токио — Нью-Йорк шаҳарлари ўртасидаги масофани олти соатда босиб ўтади.**

**• Грузияда йўл ҳаракати қоидалари тўғрисидаги янги қонун кучга кирди. Мамлакат парламенти томонидан тасдиқланган ушбу қонунга кўра ҳайдовчига машинани бошқариб бораётганда уяли телефонда гаплашиш ман этилади.**

# ЎЗБЕКИСТОН - JETRO — ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖИ

**Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон ва Япония корхоналарининг тижорат фаолиятини кенгайтириш, ҳар икки мамлакат ташқи савдо айланмасини янада кўпайтириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Япониянинг ташқи савдони ривожлантириш JETRO ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилди.**

— Семинарнинг асосий мақсади ўзбекистонлик бизнесменларга япониялик тадбиркорлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда кўмак бериш, — деди JETRO ваколатхонасининг бошлиғи Манабу Симоясиро "Туркистон-пресс" мухбирига. — Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ҳамма соҳалари бўйича юксалиш кузатилмоқда, ишлаб чиқариш ҳажми, ташқи савдо айланмаси ортмоқда. Бу эса Япония ишбилармон доиралари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш учун жуда қулай шароит мавжуд дегани. Аммо, ҳозирча бундан етарли даражада фойдаланаётганимиз йўқ, - деб таъкидлади М.Симоясиро.

Тадбирда эътибор бериш зарур бўлган муаммолар муҳокама қилинди. Айниқса, томонлар бир-бирининг имкониятлари тўғрисида етарлича ахборотга эга эмасликлари таъкидланди. Ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш дастури ҳар икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида муносабатларни ўрнатиш масаласида ишончли кўмак бўлишига умид билдирилди.

М.Симоясиро семинар қатнашчиларига иш алоқаларини ривожлантириш дастури ҳақида батафсил маълумот берди. Бу Интернет орқали Япония компаниялари билан ҳамкорликка оид таклифларни тўғридан-тўғри рўйхатга олиш тизими ҳисобланади. Тадбир иштирокчиларига иш алоқаларини ривожлантириш дастурига рўйхатга олиш механизми, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо, инвестицияларни жалб этиш, технологиялар трансфери соҳасидаги корхона ва ташкилотларни излаб топиш шартлари ёритилган материал ва китобчалар тарқатилди. Шунингдек, тармоқдан, JETRO томонидан ўрнатилган ахборот бўйича япониялик ҳамкорларни топиш ва унда ўзбекистонлик тадбиркорларнинг таклифларини жойлаштириш мумкин. Зарур бўлиб қолганда, Япония қонунчилигига оид маслаҳатларни олиш имконияти мавжуд.

Эслатиб ўтиш жоизки, JETRO ваколатхонаси Тошкентда 2000 йилда очилган. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон вазирликлари ва муассасалари билан ҳамкорликда кўпгина семинарлар, қўшма тадбирлар ўтказилди. Мазкур тадбирларда Япониянинг тўқимачилик, ресурсларни асраш, қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича экспертлари иштирок этишди. Жумладан, мамлакатимиздаги кўп энергия талаб этиладиган корхоналар тадқиқотларида Япониянинг энергияни тежаш соҳасидаги NEDO ташкилоти яқиндан ёрдам берди. Мамлакатимиздаги турли мулкчилик шаклидаги 135 та хўжалик субъектларига ахборот кўмаги кўрсатилди. Ўзбекистон тадбиркорлари 1022 та Япония компаниялари тўғрисидаги маълумотни олишди. 2005 йилнинг январида Япония телевидениеси орқали "JETRO Global Eye" кўрсатувида Ўзбекистоннинг туризм соҳаси тўғрисидаги фильм намойиш этилди.

**Сурайё НАЗАРХЎЖАЕВА,**
**"Туркистон-пресс"**

---

**"Ўзаэронавигация" маркази касаба уюшма қўмитаси ҳамда Миробод туман ногиронларнинг ўзаро ижтимоий ёрдам "Меҳрибонлик" жамияти ўртасида кўмакка муҳтожларни қўллаб-қувватлаш масалаларида амалий алоқалар ўрнатилганлигига бир неча йил бўлди.**

*Мурувват*

## ЧИН ДИЛДАН МИННАТДОР БЎЛИШДИ

Дарҳақиқат, жамиятда бўлиб, унинг раҳбарлари билан учрашган, болаликдан ногирон, жисмоний нуқсонларга эга кишилар билан суҳбатлашган ҳолда қалбингда уларга нисбатан меҳр-мурувват туйғулари жўш уради, имкон қадар кўмак кўрсатишга ҳаракат қиласан.



Шу сабабдан ҳам туман жамиятининг раиси Усмон Содиқовнинг "Меҳрибонлик" ташкилотига баҳоли-қудрат ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги мактуби "Ўзаэронавигация" маркази директори Х.Ашуров таклифи билан марказнинг тузилмавий-кадрлар комиссиясининг йиғилишида кўриб чиқилди. Натижада ногирон болаларга мактаб ўқув қуролларини харид қилишлари учун 130 000 сўм миқдоридаги маблағни ажратишга қарор қилинди.

Шу куни жамият офисида тайёрлаб қўйилган совғаларни олиш учун ота-оналар ва болажонлар жам бўлишди. "Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал", деганларидек ҳақиқатан ҳам бу ерга хайрия кўмагига муҳтож бўлганлар йиғилишди. Тадбирга жамланган болалар, уларнинг ота-оналарига "Ўзаэронавигация" маркази касаба уюшмаси номидан ўқув қуроллари — дафтарлар, расм чизиш учун альбомлар, чизғичлар, бўёқларни бўлим бошлиғи, касаба уюшмаси қўмитаси раҳбари ўринбосари Зафар Ҳайдаров топширди.

Ногиронлар, туман "Меҳрибонлик" жамияти раҳбарияти томонидан савоб ишларни қилишдан толмайдиган "Ўзаэронавигация" маркази жамоаси шаънига кўпгина илиқ сўзлар, чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирилди.

Ушбу дил изҳорларини муштарийларимизга етказиш мақсадида Х.Ашуров номига ёзилган миннатдорчилик мактубини келтиришни лозим деб топдик. "Сизнинг мурувват йўлидаги кўмагингиз, — дея таъкидланади "Меҳрибонлик" жамиятининг раиси У.Содиқовнинг хатида, — бизнинг ногиронларимиз — фожиавий тақдир эгаларига ўз вақтида берилган мукофот бўлди. Жисмоний нуқсонларга эга кишилар — оёқ, қўли йўқ, болаликдан қўлтиқтаёқ ҳамда ногиронлар аравачаларида ҳаракатланувчи одамларга чин инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашувингиз учун ташаккур. Сиз болажонларимизга шодлик улашдингиз, катталарга эса ногиронлар тўғрисидаги ғамхўрликни амалда кўрсатдингиз. Ҳаммангиз бахтли бўлинг!»

**В.ГОЛУБЕВ,**
**етакчи муҳандис**

**СУРАТДА:** хайрия тадбирларидан лавҳа

---

*2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили*

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ГАРОВИ

**Хайр-саховат, меҳр-оқибат сингари эзгу фазилатлар халқимизнинг азалий қадриятларидан. Юртимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида бундай эзгу анъаналар янгича маъно ва мазмун касб этаётир.**

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган болалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизими жорий этилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда бу борада кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

— Ҳозирги кунда қарийб уч миллион нафар пенсионер ва ногиронга кенг кўламли ижтимоий хизмат кўрсатилаётир,— деди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлашни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мўътабар Содиқова ЎзА мухбирига.— Айни вақтда ногиронларга протез-ортопедия маҳсулотлари, аравачалар, эшитиш мосламалари, ҳасса ва қўлтиқтаёқлар бепул етказиб беріляпти.

Маҳаллий хомашё ва замонавий технологиялар асосида ишлашга ихтисослашган «Ортопедия-реабилитация» илмий ишлаб-чиқариш корхонаси ва унинг жойлардаги филиаллари фаолияти яхши йўлга қўйилгани боис ногиронларнинг бундай мосламаларга бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига мувофиқ, бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Жумладан, тизимдаги реабилитация марказлари, «Саховат» ва «Мурувват» уйлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, зарур тиббий асбоб-анжомлар ва бошқа воситалар сотиб олиш учун жорий йилнинг ўтган даврида 453 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.

Бундай хайрли ишларни амалга оширишда давлат бюджети маблағидан ташқари, халқаро ва жамоат ташкилотлари, корхоналар, тадбиркор ва фермерлар, саховатпеша юртдошларимиз ёрдамидан ҳам фойдаланиляпти.

Тизимимиздаги «Саховат» ва «Мурувват» уйларида етти минг нафардан кўпроқ ёлғиз қария ва ногирон давлат таъминотига олинган. Уларнинг яшаши ва саломатлигини асраш учун барча шарт-шароит яратилган. Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишли тиббиёт муассасалари малакали мутахассислари билан ҳамкорликда улар йилига икки марта диспансер назоратидан ўтказилади.

Аниқланган хасталиклар бўйича тегишли даволаш-соғломлаштириш тадбирлари олиб борилади.

Айни вақтда вазирлик ва Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тизимидаги ҳамда маҳаллий санаторийларда ҳар йили ўттиз минг нафардан кўпроқ пенсионер ва ногирон саломатлигини яхшилаяпти. Жорий йилда бу борада белгиланган режа ҳозирданоқ бажарилди. Бунинг учун давлат бюджети ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан 2 миллиард сўмдан кўпроқ пул сарфланди.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз қариялар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишни ташкил этиш билан боғлиқ вазифаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Жойлардаги ижтимоий таъминот идоралари рўйхатга олган ва тиббий маслаҳат комиссиялари томонидан ижтимоий кўмакка муҳтож деб топилган қарийб 23 минг нафар фуқаронинг уйида ижтимоий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Бунда Қизил Ярим Ой жамияти меҳр-шафқат ҳамширалари ва Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш туман бўлимлари томонидан ишсиз деб рўйхатга олинган, ҳақ тўлаш асосида жамоат ишларига жалб этилганлар кўмагидан ҳам фойдаланиляпти.

Ўтган йили юртимизда ногиронликни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш борасида яна бир эзгу ишга қўл урилди. Катаракта асоратлари туфайли кўзи ожизлашиб қолган икки минг нафардан кўпроқ беморга сунъий кўз гавҳари қўйилиб, уларга кўриш бахти қайта ато этилди. Ана шундай хайрли ишни амалга оширишда кўпгина тадбиркорлар, ташкилот ва корхоналар жамоалари ҳам молиявий ёрдам берди. Жорий йилда бу анъана давом эттириляпти.

Ўтган вақт мобайнида 931 нафар кўзи ожизга ана шундай хизмат кўрсатилди.

Ногирон болаларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси фаолиятимизнинг муҳим бўғинларидан саналади. Ҳозир республикамиздаги бешта болалар уйи ва тўртта аёллар «Мурувват» уйидаги болалар бўлимларида тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача 1600 нафарга яқин ногирон болага тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиляпти.

«Мурувват» уйларида болалар спортини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, ушбу муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, спорт майдончаларини қайта таъмирлаш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш — доимий эътиборда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралардандир.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

---

### ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги марказий телефон боғламасида алоқа ходимлари иштирокида "Маънавият ва маърифат" марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан "Жисман ва руҳан покланиш даври" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **БУГУН** "Семурғ" оромгоҳида "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилот етакчилари иштирокида ташкил этилган ўқув семинари "Камолот" ЁИҲ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилди.

● **КЕЧА** Тошкент Тиббиёт академиясида "LG" компанияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ЁИҲ ҳамкорликларида ташкил этилган "LG гранти" танловида талабалар иштирок этишди.

● **КЕЧА** Республика гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида бўлиб ўтган анжуман "Қон қуйиш хизматини такомиллаштириш" деб номланди.

● **КЕЧА** Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театри ўзининг 77-мавсумини бошлади. Театр ихлосмандларига "Адвокатлик осонми?" ва бошқа спектакллардан парчалар намойиш этилди.

● **КЕЧА** Бектемир туманидаги «Қувов-механика заводи» шўъба корхонасида «Миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғуси» мавзуида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **КЕЧА** «Кетринг» махсус авиация ишлари авиакомпаниясида «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими ташаббуси билан бўлиб ўтган тадбир «Терроризм — дунё тинчлигига таҳдид» деб номланди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги 225-мактабда ўқувчилар иштирокида экологиянинг софлигини таъминлаш, табиатни асраб-авайлаш масаласига бағишланган тадбир ва ҳужжатли фильм тақдимоти бўлиб ўтди.

● **«БУНЁДКОР»** ёшлар телеклубида «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман Кенгаши, «Маҳалла» умидлари» маркази, туман ИИБ ҳамкорликларида ёшлар, тумандаги тарбияси оғир болаларни тарбиялашнинг муҳим омилларига бағишланган давра суҳбати КЕЧА бўлиб ўтди.

● **ШАҲРИМИЗ** маҳаллаларидаги кам таъминланган оилалар фарзандлари учун «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан компьютер курслари ташкил этилди.

● **КЕЧА** «Дамариқ» маҳалласида «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман Кенгаши ташаббуси билан бўлиб ўтган кўрик-танлов «Мен Ватаним тарихини биламанми?» деб номланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

Давоми. Боши 1-бетда.

# ЎЗ УЙИМИЗ, ЎЗ МАҲАЛЛАМИЗ ОБОДЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗ МАСЪУЛМИЗ !





Бизда удумлар кўп. Айниқса ҳашар деган сўз азалдан ҳар биримизнинг қонқонимизга сингиб кетган. Шу йўл билан ота-боболаримиз не-не қудратли ишларни амалга оширишганига тарих гувоҳ. Йиллар оша биз ўтмишдошларимизга садоқат ила бу яхши анъанани авайлаб, асраб келмоқдамиз. Бугун ҳашар мавсумий иш эмас, балки у ҳаётимизнинг кундалик мазмунига айланиб бораётганлиги қувончлидир.

Тобора обод ва кўркам бўлиб бораётган шоҳкўчаларимиз ва маҳаллаларимиз мақтовини келтиришга тил ожиз. Бугун шаҳарни айланган киши унинг кенг ва равон кўчаларида, гўзал ва сўлим боғларида пайдо бўлган яшил зоналар, дарахтзорлар, кўкаламзор майдонларни кўриб ҳаваси келади. Бу ободончиликларнинг замирида умумхалқ ҳашари ҳам ётганини барчамиз яхши биламиз. Ўзбекистон Мустақиллиги, Хувайдо, Амир Темур, Аҳмаджон Назаров, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, /бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин/ маҳаллаларига қадам ранжида қилган киши бу жойларда ҳашар йўли билан бажарилган нурли ўзгаришларни кўриб кўзи яшнайди. Маҳалладошларнинг бир жон, бир тан бўлиб, аҳил ва ҳамжиҳатликда иш юритишидан ибрат олса арзийди.

Бугун пойтахт шаҳар яна бир хайрли иш арафасида турибди. Шанба ва якшанба кунлари Тошкентимизда умумшаҳар ҳашарини ўтказиш режалаштирилган. Албатта, кириб келаётган қиш мавсуми олдидан ўтказиладиган бу тадбир бевосита, қишга тайёргарликнинг узвий давоми бўлади. Бинобарин, совуқ кунлар олдидан қиладиган юмушларимиз анча кўпайиб қолган. Табиийки, қиш тайёргарлиги билан боғлиқ масала ҳаммадан кўпроқ коммунал соҳага тегишлидир. Агар бугун уй-жойларимизни таъмирлаб, йўлакларни оқлаб-кўклаб, эшик ва ромларни кўздан кечириб, уларни ойналаш ишларини бажармасак, эртага кеч бўлади. Бугун ертўлаларимиздаги эскириб тешилган, чаккатомар қувурларни алмаштириб янгиламасак, умуман ёз бўйи қаровсиз қолган ертўлаларни кўздан кечириб, тартибга келтирмасак қиш мавсумида ўзимиз, болаларимиз азият чекади. Бугун уйимиз рўпарасида пайдо бўлган ахлатхонани йўқотиш тадбирини кўрмасак, эртага у яна ҳам катталашиб ўзимизга ортиқча ташвиш туғдиради.

Албатта, бу йил шаҳримизда қиш тайёргарлиги эрта бошланди, деган гапни айтишга ҳар томонлама асосимиз бор. Сабаби, ҳамшаҳарларимиз ўтган йилги қиш сабоқларидан тўғри хулоса чиқаришган. Президентимизнинг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида баён этилган коммунал соҳада йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни тўла англаб етишди ва зудлик билан уларни бартараф этишга киришишди.

— Бугунги кунда кўп қаватли уйларнинг кириш йўлакларини таъмирлашда, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажаришда ҳомийлар кўмагидан самарали фойдаланилмоқда, — дейди бизга Ҳамза тумани уй-жойларни капитал таъмирлаш ва авария-тиклаш хизмати директори Собир Холметов. — Туманимизда коммунал соҳага тегишли мавжуд муаммоларни бартараф этишга аллақачонлар киришилган. Уйларнинг ертўлалари, том, эшик, ойналар рўйхатга олиниб, уларни жорий таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Амалдаги ишлар бирин-кетин бажарилмоқда. Бу борада ҳомий ташкилотлар қаторида уйжой мулкдорларининг ўзлари ҳам ҳудудларидаги маҳалла аҳли билан баҳамжиҳат ҳашарлар уюштириб, қишга муносиб тайёргарлик кўришмоқда. 15-16 октябрь кунлари ўтадиган умумшаҳар ҳашарида бажариладиган ишларимизнинг режасини ҳам тузиб олдик. Ўйлайманки, барча қатори ушбу ҳашарда бизнинг соҳа хизматчилари ҳам фаол қатнашадилар.

Куни кеча Амир Темур хиёбонидан ўтиб бораётиб ўзимизча бир гуруҳ ёшларни синовдан ўтказмоқчи бўлдик. Шу маънода хиёбонда кезиб юрган талабаларни бир зум тўхтатиб суҳбатга тортдик. Улар Тошкент Давлат юридик институтининг талабалари экан. Саволимиз шаҳримизда ўтадиган ободонлаштириш ҳашари ҳақида бўлди.

— Ҳашар — барчага баробар. Шундай экан, биз ҳам унда фаол қатнашамиз, — дейишди улар. — Нимаики иш бўлмасин, ўзимизга топширилган вазифани аъло даражада бажариш учун бор имкониятни ишга соламиз. Ахир бундай ҳашарларда бошқаларга нисбатан биз ёшлар ибрат кўрсатишимиз керак-да.

Уларнинг жавобидан хурсанд бўлдик. Шаҳримиз ёшлари ҳашарнинг моҳиятига тушуниб етишибдими, демак ушбу ҳашар шаҳримиз файзига янада файз қўшишига тўла ишондик.

Шу ўринда сўровимиз давомида ҳашар деган сўзга лоқайд қаровчи баъзи кимсаларни ҳам учратдик, уларнинг жавобларидан ранжидик ҳам. Шундайларга: «Азизлар, шаҳар сиз билан бизники. Шундай экан, унинг нақадар обод бўлиши, чиройи, гўзаллиги сиз билан бизнинг ташаббусимизга, жонкуярлигимизга боғлиқ. Ҳаммамиз бирдек, шу юрт меники, шу уй меники, шу шаҳар меники, деган орзу-ният билан яшасак, шаҳримиз бундан-да гуллаб-яшнайди. Ахир қачонгача лоқайд юрамиз? Қачон ўз шаҳримизнинг ҳақиқий хўжайини бўламиз?», дегимиз келади.

Маҳалламизнинг кекса отахони Эргаш ота шундай дейди:

— Болаларим, ҳали бу юрт бунақа ободончиликни кўрмаган. Тошкент Тошкент бўлиб, бу қадар обод бўлмаган. Ахир бугун қурилаётган осмонўпар бинолар, муҳташам саройлар, кенг ва равон йўллар, маҳобатли кўприкларнинг саноғига етиб бўлармикан. Бу Оллоҳнинг бизга берган инояти. Бу Юртбошимизнинг элпарвар, юртпарварлиги. Бу кунларнинг қадрига етишимиз, унинг шукронасини қилишимиз керак. Қадимгиларда «Сендан ҳаракат — мендан баракат» деган гап бор. Бунинг маъноси шуки, борига қаноат қилиб ётиб бўлмайди. Юрт ободлиги йўлида қанчалик ҳаракат қилсак, шунчалик ҳаётимиз фаровонлашиб бораверади. «Кўпники — кўл» деб бежиз айтмаганлар. Кўпчилик билан қилинган меҳнат самарали, гаштли бўлади. Шундай экан, эл корига ярайдиган иш борки, ундан қочмаслик керак.

Ҳашарнинг яна бир яхши хусусияти — у одамларни бирлаштиради, ўзаро меҳроқибатни кучайтиради. Инсонларни озодаликка, орасталикка ўргатади. Ҳашар тараддуди арафасида шаҳримизнинг бир нечта маҳаллаларида ҳам бўлдик. У жойларда бу кунга қандай тайёргарлик кўрилаётгани билан қизиқдик.

— Маҳалламиз аҳли ҳашарни меҳнат байрами сифатида нишонлашни режалаб турибди. Икки кун давомида маҳалламизнинг барча ҳудудида ободончилик ишлари олиб борилади. Кўчалар тозаланади, дарахтларга шакл берилади. Ариқ, зовурлар тартибга келтирилади. Уй йўлаклари, кўп қаватли уйларнинг ертўлалари яна бир бор кўздан кечирилиб, ораста қилинади, — дейди бизга Аҳмаджон Назаров маҳалласи оқсоқоли Собир Комилов.

— Эртага бўладиган умумшаҳар ҳашарида бизнинг маҳалламиз аҳли ҳам фаол қатнашади, — дея сўз бошлади Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли маҳалла оқсоқоли Қобил Зокиров. — Давлатимиз раҳбарининг: «Биз нафақат Тошкент, балки Ватанимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари обод ва гўзал бўлишини, ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшашни хоҳлаймиз ва бу табиий ҳол, албатта. Лекин ана шундай ҳаёт даражасига етишни орзу қилар эканмиз, аввало ўз олдимизга катта мақсадларни қўйиб яшашимиз ва меҳнат қилишимиз даркор. Ўзбекистон деб аталган бу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак», — деган сўзлари ҳашарга чиққан барча маҳалладошларимизга дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Сўз бошини яхшилик билан бошладик. Ниҳоясини ҳам унга ҳамоҳанг яхши сўзлар билан тугатсак мақсадга мувофиқ бўлса керак. Бир донишманддан сўрашибди:

— Ҳазрат, сиз оқил ва доноликда тенги йўқ инсонсиз. Айтингчи, сизнингча дунёдаги энг қадрли сўз нима?

— Яхшилик ва ободлик, — деб жавоб берибди донишманд.

— Сабаб?

—Сабаби, ободлик бор жойда ҳамма нарса гўзал, кўнгил беғубор бўлади, яхшилик бор жойда эса юрт равнақ топади. Турмуш фаровонлашади, шаҳарлар обод бўлади. Бекорга ҳам биздан аввал ўтганлар: «Сен яхши деган сўздан иморат тиклагингки, то одамлар бу иморат деворига номингни «яхши» деб ёзиб қўйишсин», деган сўзни бежиз айтишмаган.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

* * *

**Ўз шаҳрини севган, уни ўзининг фахри деб билган ҳамшаҳарларимизга айтадиган сўзимиз шуки — ўзбек халқи танти, меҳнаткаш халқ. Аҳд қилса, чўлни гулистонга айлантиради. Шундай экан, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб шанба ва якшанба кунлари бўладиган умумшаҳар ҳашарида фаол қатнашайлик. «Шарқ дарвозаси» деб аталган Тошкентимизнинг кўркига кўрк қўшиш йўлида меҳнат камарини белимизга маҳкам боғлайлик.**

*Иқтисодиёт*

## ТАБИИЙ ЎСИМЛИКДАН ТАЙЁРЛАНМОҚДА

**Юнусобод туманида фаолият кўрсатаётган «UzSetGlobal» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида ойига 25-30 мингта турли хилдаги мочалкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.**

Энг асосийси эса уларнинг харидор эътиборини тортадиган шаклларда тайёрланаётган турлари гигиеник жиҳатдан тозалиги билан ажралиб туради ва ушбу маҳсулотлар Украина, Россия, Қозоғистон, Польша, Германия сингари хориж давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

50 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоада маҳсулот учун хом ашё асосан Фарғона вилоятидан келтирилади.

— Биз тайёрлаётган гигиеник тоза маҳсулотимиз инсон териси учун, унинг соғломлигини таъминлаш борасида фойдали бўлиб, — дейди менежер Виктория Кондратьева, — сифатига алоҳида эътибор қаратамиз. Ҳозирда уларнинг 20 дан зиёд турларини ишлаб чиқармоқдамиз. Маҳсулотнинг талаблар даражасида ўралишига ҳам эътибор қаратилмоқдаки, бу харидор дидига ниҳоятда мосдир. Келгусида, албатта замонавий ускуна ва дастгоҳлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ниятидамиз. Энг муҳими эса экспорт ҳажмини ҳам кўпайтиришни кўзда тутганмиз.

## ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Ота касби — заргарликка меҳр қўйган ва уни кунт билан эгаллаган Муҳсин Дадамуҳамедов ўзининг бетакрор зеб-зийнат буюмлари билан нафақат юртимизда, балки халқаро ярмаркаларда ҳам муваффақият қозонган.

— Ушбу муваффақиятларимнинг боиси аввало ҳунарни эъзозлаганим, отам — уста заргар Фасхиддин Дадамуҳамедов ўгитларига қулоқ тутганим самараси бўлса, — дейди Муҳсин Дадамуҳамедов, — яна асосий омили эса мустақиллик боис ҳунармандларга катта имкониятлар эшиги очилганлигидир. Ўз фаолиятим давомида маҳсулот дизайнига алоҳида эътибор қаратаман, миллий анъаналаримизни чуқур ўрганаман. Нозик ва машаққатли ишларим самараси — маҳсулотим чиройини кўрганимда, одамлар ундан фойдаланиб баҳра олишганида, айниқса, ҳунарга иштиёқим янада ортади, роҳатланаман, маънавий озиқ оламан.

Ҳунарманд ўзи ясаган маҳсулотлари билан Миср Араб Республикаси, Германия ва бошқа давлатлардаги кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этиб, ўзбек усталари маҳоратини намоён этган.

Муҳсин Дадамуҳамедовнинг «Ташаббус—2005» кўрик-танловининг пойтахт босқичида фахрли иккинчи ўрин соҳиби бўлганлиги ҳам изланишлари самарасидир. У ўз ютуқларидан илҳомланган ҳолда бугунги кунда янги турдаги маҳсулотлар дизайни устида ишламоқда.

**Шарофат БАХРОМОВА**

Давоми. Боши. 4-5-бетларда.

20.25 «КВН - 2005». Высшая лига.
22.40 «Золотой граммофон»
23.40 «Мы - вместе». 20 лет группе «Алиса». Концерт
00.50 Комедия «Пустоголовые»
02.40 Триллер «Зверь».

### Россия

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.45 Сериал «Банкирши».
8.45 «Мой серебряный шар. Георгий Юматов».
9.45, 12.45, 15.30, 18.45 Вести. Дежурная часть
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.30, 13.10, 15.40, 19.30 Местное время. Вести-Москва
10.50 «Мусульмане».
11.00 «Вся Россия».
11.15 «Городок». Дайджест.
11.45 «Комната смеха».
13.30 «Суд идет».
14.30 Сериал «Охотники за иконами».
16.15 «Кулагин и партнеры».
16.45 «Обреченная стать звездой». Сериал.
17.45 «Черная богиня». Сериал.
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 «Юрмала-2005».
21.55 Боевик «Мафия бессмертна».
23.50 Фильм «Осторожно! Красная ртуть».
01.25 «Дорожный патруль».
01.45 «Горячая десятка».
02.40 Сериал. «Закон и порядок»
03.30 «Ангелы Чарли». Сериал
04.20 «Евроньюс»

### ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 М/ф «Котенок с улицы Лизюкова».
8.15 М/ф «Последний лепесток».
8.30 М/ф «Кот-рыболов».
8.45 М/ф «Волк и теленок».
9.00 М/ф «Сабрина - маленькая ведьма».
9.30, 14.30 М/ф «Сладкий родник».
9.40, 14.40 М/ф «Подружка».
9.50, 14.50 М/ф «Поморская быль».
10.00 Х/ф «Омпа». Россия.
11.50 Х/ф «Дуэль».
14.00 «Осторожно, модерн!»
15.00 Х/ф «Бей в кость».
17.30 Х/ф «Малхоланд Драйв».
19.00, 1.00 Сериал «Третья смена».
20.00 Х/ф «Остин Пауэрс».
22.00 Премьера! Х/ф «Опасные уроки».
24.00 Сериал «Ее звали Никита».
02.00 Х/ф «Удар из космоса».

### НТВ

5.00 Сегодня утром
8.15 «Вопрос... еще вопрос».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00 «Сегодня»
9.15 «Криминальная Россия»
9.50 Ток-шоу «Принцип домино»
10.55 Сериал «Херувим»
12.30 «Для тебя»
13.30 Сериал «Лебединный рай»
14.35, 17.35 «Чрезвычайное происшествие»
15.15 Сериал «Каменская-2. Я умер вчера»
18.35 «Хазанов против НТВ»
21.45 «Совершенно секретно. Информация к размышлению»
22.50 Фильм «К северу через северо-запад»
01.35 Бильярд
02.05 «Кома. Это правда».
02.35 Сериал «За гранью возможного-VI»
03.30 Фильм «Дамы приглашают кавалеров»

### СТС

7.00 "Лучшие". Сериал
7.50 "Смешарики". Мультфильм
8.00 "Веселые мелодии". Мультфильм
8.30, 19.25, 24.00, 00.35 Комедия. "Моя прекрасная няня".
9.00, 21.00 "Не родись красивой". Сериал
10.00, 20.30, 00.05 Истории в деталях.
10.30, 18.30 "Зачарованные". Сериал
11.30 Кино "Чего хотят женщины".
14.00 Комедия. "Новая семейка Адамс".
14.30 "Питер Пэн и пираты". Мультфильм
15.00 "Человек-паук". Мультфильм
15.30 "Оливер Твист". Мультфильм
16.00 "Люди в черном". Мультфильм
16.30 "Приключения Джеки Чана". Мультфильм
17.00 "Зена – королева воинов". Сериал
18.00 Комедия. "Чудеса науки ".
22.00 Кино "Бельфегор - призрак Лувра".
01.10 Кино "Убийства в Черри Фоллс".
03.05 Кино "Застывший от страха".
04.35 Кино "Во имя моей дочери".

## ШАНБА, 22

### «Ўзбекистон»

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли телесериал.
9.30 «Олтин мерос».
9.40 «Ҳидоят сари».
10.00 «Дўстлик» тележурнали: 1. «Рангин-камон». 2. «Дидар».
10.30 «Оналар мактаби».
10.50 «Юртимизнинг гўзал масканлари». Қўқон шаҳри.
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Уста Ҳасан». Телесериал.
12.05 «Келин-куёв». Телетомоша.
13.05 «Эгизаклар». Телесериал.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.15 «Оҳанрабо».
15.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
15.10 ТВ анонс.
15.15 «Жаҳонгашта». Бадиий фильм.
16.20 «Шахсий фикр».
«Болалар сайёраси»:
16.55 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.10 «Олтин мерос».
17.15 «Рамазон тухфаси».
17.40 «Олтин мерос».
17.50 «Минг бир ривоят».
17.55 ТВ анонс.
18.00 «Оқшом наволари».
18.15 «MAGGI» ® Олтин ошхона.
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.15 «Ўзлото». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.50, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Меҳр кўзда».
20.55 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Киноафиша».
22.20 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
22.30 «Хоним ва қароқчи». Бадиий фильм.
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.15 ТВ-анонс.
9.20 «Эсмеральда». Телесериал.
9.50 Табобат оламида.
10.15 Ватанпарвар.
11.15 ТВ-анонс.
11.20 Мели Юсуф. «Чеча». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
12.55 Менимча.
13.00 Давр.
13.15 ТВ-анонс.
13.20 Давр мавзуси.
13.35 «Кино SMS» танлови.
13.40 Орзулар қанотида.
14.10 Интерфутбол.
15.50 Мумтоз наволар.
16.00 Давр.
16.15 Менимча.
16.20 ТВ-анонс.
16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 «Янги авлод» студияси: Билағон маслаҳати.
16.50 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
17.05 Бола тилидан.
17.35 Парламент вақти.
18.15 Саломатлик сирлари.
18.35 Менимча.
18.40 Каталог.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ишдан кейин.
20.00 Ёнимдаги бахт.
20.05 Нуриддин Асқаров куйлайди.
20.30 Оқшом қўнғироқлари.
20.35 Кутилмаган меҳмон.
21.00 «Кино SMS» танлови.
21.05, 21.45 Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат ва эҳтирос». Телесериал.
21.50 Мафтунингман, диёрим!
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 ТВ-анонс.
22.40 Кулгуч.
22.50 «Кино SMS» танлови.
22.55. «Сангам». Бадиий фильм. 4-қисм.
23.40-23.45 Хайрли тун!

### «Тошкент»

**Творческая группа телеканала «Ташкент» предлагает вашему вниманию музыкально-развлекательную программу под названием «с 8.00 до 13.00».**
18.20 Программа передач.
18.30 «Экран детям».
18.50 CFI-представляет : «Детёныши диких животных» 5-6 серии.
19.40 «Шунака гаплар». Хажвий курсатув.
20.00 Телегазета «Экспресс».
20.20 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.50 «Пойте с нами».
21.35 Телегазета «Экспресс».
21.55 Кинооко: «Переключая каналы».
23.35.23.40 «Спокойной ночи, мой город!»

### «Спорт»

7.30 «Новости».
7.50 «Бодрое утро».
8.40 «Новости»
9.10 «Три окна». А. Макаревич.
9.50 «Вулкан».
11.00 Спортивный английский.
11.10-11.40 «Мир спорта».
17.55 Программа передач.
18.00 «Новости».
18.20 «Детский спорт».
18.40 «Спорт – моя жизнь».
18.55 «На футбольных перекрестках».
19.15 «Мари Лестер». Короткометражный фильм.
20.00 «Новости»
20.30 «Стать ближе».
21.10 «Нокаут». Бокс.
21.40 Международный спорт: «Еврофутбол».
23.15 «Спокойной ночи!»

### 30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05 «Теле-хамкор»
9.20 «Детский час», мультсериал
9.50 Фильм детям: «Принц Египта», мультфильм
11.10 «Ошикона»
11.55 Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звёзд профессионального и любительского бокса
12.40 «Новая полицейская история», комедия
14.30 «Болалар соати»
15.30 «Музыкальный калейдоскоп».
16.00 «Детский час»-мультсериал
16.45 «Теле-хамкор»
17.00 Программа передач
17.05 «Мультфильм»
17.30 «Тангалик болалар», кинокомедия
19.00 «Ошикона»
19.45 «Телехамкор»
20.00 «Хит-парадплюс»
21.00 «Гордость» бадиий фильм, 1 серия
22.30 Анонс
22.35 «Гордость» бадиий фильм 2 серия

### ОРТ

4.30 Нарисованное кино. «Принцесса Лебедь поет песни»
5.00, 8.00, 9.00, 11.00, 17.00 Новости
5.10 Фильм «Пять вечеров»
7.00 Играй, гармонь любимая!
7.40 Слово пастыря
8.00 Дисней-клуб: «Кряк-бригада» , «С добрым утром, Микки!»
9.10 «Три окна»
9.50 «Никита Михалков. Свой среди своих». Док. фильм
11.10 Здоровье
12.00 «Василий Шукшин. Последние 24 часа»
13.00 Комедия «Дети понедельника»
14.50 «Райкин, сын Райкина»
15.40, 17.10 Концерт Ларисы Рубальской
17.40 «Кто хочет стать миллионером?»
18.40 Премьера. Бисквит
20.00 Время
20.20 «Умора - 2005»
22.00 Церемония вручения премий MTV - 2005
23.30 Фильм «Дверь в полу»
01.30 Триллер «Зверь».
03.00 Суперчеловек. «Жестокий ринг».

### Россия

5.00 «Доброе утро, Россия!»
6.40 «Золотой ключ».
7.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
7.10, 10.10, 16.20 Местное время. Вести-Москва
7.20 «Русское лото».
7.55 «Военная программа»
8.20 «Вокруг света».
8.50 «Субботник».
9.30 «Утренняя почта»
10.20 «Сто к одному».
11.15 «В поисках приключений».
12.15 «Клуб сенаторов».
13.20 Фильм «Родня».
15.00 «проСВЕТ».
17.00 «Комната смеха».
17.55 «Секрет успеха».
18.50 «В Городке».
19.15 «Зеркало».
19.30 «Честный детектив».
20.00 «Субботний вечер».
21.50 Фильм «Персона нон грата»
00.10 Триллер «Вирус» (США-Франция).
02.15 Фильм «Внезапный удар» (США).
04.05 «Евроньюс»

### ТВ-3

7.30 М/ф «Гарфилд».
8.00, 14.30 М/ф «Улыбка Леонардо да Винчи».
8.07, 14.40 М/ф «Лесной концерт».
8.15, 14.50 М/ф «Дождливая история».
8.30 М/ф «Баба Яга против».
8.45 М/ф «Полкан и Шавка».
9.00 «Черепашки-ниндзя: новые приключения».
9.15, 9.45 «Человек-паук».
10.00 Х/ф «Серебрянный волк».
12.00 Х/ф «Гараж».
14.00 Иди и смотри.
14.15 Свет и тень.
15.00 Х/ф «Остин Пауэрс».
17.00 Х/ф «Ангел мести».
19.00 «Hollywood On-Set».
19.30 «Осторожно, модерн!»
20.00 Х/ф «Американский спецназ».
22.00 Х/ф «Против хищника».
24.00 Сериал «Бессмертный».
01.00 Сериал «Мутанты икс».
02.00 Х/ф «Опасные уроки».

### НТВ

5.00 К юбилею Никиты Михалкова. Фильм «Раба любви»
6.35 Детское утро на НТВ.
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00 «Сегодня»
7.15 Сериал «Полицейский Кэттс и его собака»
7.45 «Без рецепта»
8.25 «Дикий мир»
9.15 «Главная мера»
9.55 «Кулинарный поединок»
10.55 «Квартирный вопрос»
12.20 «Особо опасен».
12.50 «Своя игра»
13.50 Сериал «Марш Турецкого»
15.15 «Женский взгляд». Александра Яковлева
15.55 Чемпионат России по футболу
18.30 Профессия – Репортер.
18.55 «Программа максимум».
19.50 Сериал «Улицы разбитых фонарей - 6. Лучший друг человека»
21.00 «Реальная политика» с Глебом Павловским
21.40 Боевик «Дикий, дикий вест» (США).
24.00 «Мировой бокс. Ночь нокаутов»
00.40 Боевик «Пропавший без вести 2. Начало»
02.35 Фильм «Небеса в огне»

### СТС

7.00 "Видок". Худ. фильм.
8.50 "Семья почемучек".
9.20 "Смешарики".
9.30 "Остров черепах".
10.00 Лучшие программы "Улицы Сезам".
10.30 "Пеппи Длинныйчулок".
11.00 Кино "Клевый парень".
13.00 "Самый умный". Телеигра.
15.00 "Кино в деталях".
16.00 "Последний день".
17.00 Истории в деталях.
17.30 "Улицы разбитых фонарей. Менты – 4".
19.25 Кино "Бельфегор - призрак Лувра".
21.25 Комедия. "Моя прекрасная няня".
22.00 Кино "Богатенький Ричи -2".
23.55 "Хорошие шутки". Концерт.
01.45 Кино "Парнишка из Фламинго".
03.40 Кино "Малена".
05.10 Кино "По свежим следам".

## ЯКШАНБА, 23

### «Ўзбекистон»

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Камалак» экрани: «Дарсдан сўнг...» Мультфильм.
9.20 «Ҳамкорлик риштлари».
9.35 «MAGGI» ® Олтин ошхона.
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 «Жиддий ўйин».
11.45 ТВ анонс.
11.50 «Ёшлик наволари».
12.00 «Валидол». Ҳажвий кўрсатув.
12.35 «Киноафиша».
12.55 «Садоқат». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.15 «Садоқат». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.45 «50Х50». Ток-шоу.
«Болалар сайёраси»:
16.25 «Олтин тож».
17.00 «Олтин мерос».
17.10 «Рамазон тухфаси».
17.35 «Олтин мерос».
17.50 «Минг бир ривоят».
17.55 ТВ анонс.
18.00 «Одами эрсанг...»
18.25 «Айтишув».
19.10 «Портретга чизгилар».
19.25, 20.00 , 20.50 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Оддий ҳақиқатлар».
20.55 «Минг бир ривоят».
21.00 «Таҳлилнома».
21.40 «Оҳанрабо».
22.25 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
22.35 «Ўзбекистон» телеканалида премьера: «Горио ота». Бадиий фильм.
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Билағон маслаҳати.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 Кулгуч.
9.30 «Еввойи оққушлар». Бадиий фильм.
10.50 Саломатлик сирлари.
11.10 «Очил дастурхон» ҳангомалари.
11.30 ТВ-анонс.
11.35 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин.
12.25 «Кино SMS» танлови.
12.30 «Қўшиқнинг туғилиши». Азиз Ражабий.
13.00 ТВ-анонс.
13.05 Чемпион сирлари.
13.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
14.15 Ринг қироллари.
15.05 Давр спорт.
15.20 «Икки дил достони». Бадиий фильм.
16.55 ТВ-анонс.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Антиқа томоша». Илмий-оммабоп фильм 1-қисм.
17.30 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси.
17.50 «Мульттомоша».
18.20 «Кино SMS» танлови.
18.25 «Эрта сўнган юлдузлар». Собит Асомов.
18.45 Оқшом қўнғироқлари.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 «Заковат». Интеллектуал ўйин.
20.25 Сув-ҳаёт манбаи.
20.30 Мумтоз наволар.
20.40 «Гап йўқ» ижодий гуруҳи тақдим этади: «Маслаҳат».
21.25 «Кино SMS» танлови.
21.30, 22.05 Эълонлар.
21.35 «Муҳаббат ва эҳтирос». Телесериал.
22.10 Мафтунингман, диёрим!
22.15 «Кино SMS» танлови якуни Бадиий фильм.

### «Тошкент»

18.20 Программа передач.
18.30 «Экран детям».
18.50 Телегазета «Экспресс».
19.10 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
19.40 Телегазета «Экспресс».
20.00 «Пойтахт плюс».
20.20 «Нима учун?»
21.00 «Всё о туризме».
21.30 Кинооко: «Где ты моя Зульфия».
22.40.22.45 «Спокойной ночи, мой город!»

### «Спорт»

7.30 «Новости».
7.50 «Бодрое утро».
8.40 «Новости»
9.10 «Непутевые заметки».
9.30 «Пока все дома».
10.20 «Веселые картинки».
11.00 «Ваш соперник гроссмейстер».
11.20-12.20 Международный спорт: «Снукер».
17.55 Программа передач.
18.00 «Талкин». Информационно-аналитическая программа.
18.30 «Спорт уик энд». Развлекательная программа.
19.35 «Тайм-аут».
20.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
20.30 Футбол. Чемпионат Узбекистан. «Локомотив» (Ташкент) – «Кызылкум» (Зеравшан)
21.20 «Проф-РИНГ».
22.10 Международный спорт: «Еврофутбол».
23.45 «Спокойной ночи!»

### 30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05 «Теле-хамкор»
9.20 «Детский час»
9.40 Документальный фильм
10.15 «Юлдузлар табриги»
11.00 «Телехамкор»
11.15 Документальный сериал на узбекском языке
12.00 Фильм детям «Операция Ы или другие приключения Шурика», комедия
13.30 «Хит.парадплюс» повтор передачи
14.30 «Шоу-бизнес янгиликлари», информацион дастур
14.50 «Болалар соати»
15.30 «Аёллар орзуси», познавательная передача
16.00 «Детский час», мультсериал
16.45 «Телехамкор»
17.00 Программа передач
17.05 «Мультфильм»
17.30 Анонсы
17.35 «Япониянинг ёввойи табиати»
18.05 «Киноафиша»
18.30 «Рустам Махмудов», концерти
19.00 «Телехамкор»
19.15 «Ошикона»
20.00 «Мультфильмы»
20.20 «Мусикий табассум»
21.00 «Утган кунлар», бадиий фильм
23.00 Программа передач

### ОРТ

4.00, 5.10 Фильм «Фрэнк и Олли»
5.00, 9.00, 11.00 Новости
5.40 Фильм «Предлагаю руку и сердце»
7.20 Армейский магазин
7.50 Дисней-клуб: «Дональд Дак представляет»
8.20 «Умницы и умники»
9.10 «Непутевые заметки» с Дм. Крыловым
9.30 Пока все дома
10.20 «Веселые картинки»
11.10 «Адьютанты любви». Киноверсия
13.40 «В мире животных» с Николаем Дроздовым
14.30 Мультфильм «Золушка»
15.50 Программа «Большие гонки»
17.00 Времена
18.00 Воскресный «Ералаш»
18.20 «Смешные люди»
20.00 Воскресное «Время».
20.45 Багровые реки». Фильм
22.40 Бокс. Мохамад Абдуллаев - Мигель Котто
23.30 Суперчеловек. «Звезда эволюции»
00.30 Фильм «Багси»
03.00 «Поджог, или короткое замыкание». Док. фильм
03.30 Тайны века. «Война шахматных королей»

### Россия

5.00 «Доброе утро, Россия!».
6.20 «Сельский час».
6.45 «ТВ Бинго шоу».
7.00, 10.00, 13.00, 16.00 Вести.
7.10, 10.10 Местное время. Вести - Москва
7.20 «Диалоги о животных».
7.55 Мультфильмы.
8.30 Фильм «Неуловимые мстители».
10.20 «Городок».
10.55 «Сам себе режиссер».
11.45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
12.15 «Парламентский час».
13.20 «Фитиль № 60».
14.10, 16.10 Детектив «Алмазы шаха».
17.00 «Веселый вечер «Аншлага».
19.00 «Вести недели с Сергеем Брилевым».
20.00 «Специальный корреспондент».
20.25 Фильм «Чудеса в Решетове».
22.30 Боевик «Ямакаси, новые самураи» (Франция).
00.20 Билл Пакстон и Лэнс Хенриксен в триллере «Почти темно» (США).
02.15 Сериал. «Семь дней»
03.05 «Евроньюс»

### ТВ-3

7.30 Жизнь, полная радости.
8.00 М/ф «Лесные путешественники».
8.15 М/ф «Комино».
8.30 М/ф «Дудочка и кувшинчик».
8.40 М/ф «Жил-был пес».
8.50 М/ф «Дорожная сказка».
9.00, 9.30 Мультсериал «Человек-паук».
10.00 Х/ф «Кололь воздуха: звездная семейка».
12.00 Х/ф «Высшая лига-2».
14.00, 19.30 «Осторожно, модерн!»
14.30 Окно в мир.
15.00 Х/ф «Власть огня».
17.00 Х/ф «Американский спецназ».
19.00 «Hollywood On-Set».
20.00 Х/ф «Безумные похороны».
21.50 Х/ф «Вдали от рая».
24.00 Сериал «Бессмертный».
01.00 Сериал «Мутанты икс».
02.00 Х/ф «Против хищника».

### НТВ

4.50 Сериал «По мотивам рассказов Василия Шукшина»
6.30 Детское утро на НТВ.
7.00, 9.00, 12.00, 15.00 «Сегодня»
7.15 Сериал «Полицейский Кэттс и его собака»
7.45 «Их нравы»
8.25 «Едим дома!»
9.15, 19.25 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю»
9.40 «Top gear».
10.15 «Растительная жизнь».
11.10 «Цена удачи»
12.20 «Звездный бульвар». Программа Ксении Собчак
13.00 Детектив «Ларец Марии Медичи»
15.20 «Один день. Новая версия».
15.55 «Своя игра»
16.50 Сериал «Марш Турецкого»
18.00 «Сегодня. Итоговая программа» с Кириллом Поздняковым
18.50 «Чистосердечное признание».
19.50 Сериал «Улицы разбитых фонарей-6. Черный король»
21.00 «Воскресный вечер с Владимиром Соловьевым»
22.20 Боевик «Джокер»
01.00 «Журнал лиги чемпионов»
01.40 Фильм «Большой приз» (США)

### СТС

7.00 "Маленькие секреты". Худ. фильм.
8.50 "Семья почемучек".
9.20 "Смешарики".
9.30 "Остров черепах".
10.00 Лучшие программы "Улицы Сезам".
10.30 "Пеппи Длинныйчулок".
11.00 "Ну, погоди!"
11.10 Кино "Богатенький Ричи -2".
13.00 "Жизнь прекрасна". Музыкальное ток-шоу.
15.00 "Снимите это немедленно".
16.00 Комедия. "Люба, дети и завод..."
17.00 Истории в деталях.
17.30 "Том и Джерри. Комедийное шоу".
17.45 Комедия. "Моя прекрасная няня".
18.20 "Отчаянные домохозяйки". Сериал
22.00 Кино "Большой толстый лжец".
23.55 Люди года журнала GQ: церемония вручения премии.
01.25 Кино "Ураган".
04.05 Кино "В руках господа".
05.40 "Индия. Королевство тигра". Док. фильм.




**КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.**
**Юсуфжон қизиқ Шакаржонов**

# ҚАРЗ
## *ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ ҲАНГОМАЛАР*

Ит билан мушук нега бир-бири билан чиқишолмайди?!

Айтишларича, қадимда мушук итдан қарз олган ва уни ҳеч қачон қайтаришни истамас экан. Шунинг учун ҳам ит мушукни кўрди дегунча "қарзимни нима учун қайтармаяпсан?" дея қувиб кетаркан. Хуллас, қарз деб аталувчи олди-бердилар ўта азалий ва айни вақтда ўта нозик масалага айланиб қолди! Агарда у билан боғлиқ ҳангомаларни эсласак борми... "Қарз отлиғ машмашани ким ўйлаб чиқарганикин?" деган каттакон савол қаршимизда кўндаланг бўлиши аниқ.

Хўш, нега қарз оламиз, ўзи? Бесабр эканлигимизданми? Олган қарзимизни нима учун қайтаришга шошилмаймиз? Инсофни унутамизми? Шу икки ҳолатнинг оқибати эса кўпчилигимизга маълум.

"Қўшнимдан олган қарзимни вақтида қайтаролмаганим сабабли тўғри йўл қолиб орқа девордан ошиб ўтадиган бўлдим, қўшним кўриб қолмасин деб уйга худди мушукдек пусиб кирардим, бу ҳол бир неча ҳафта давом этди" дейди бир танишим.

Сўнг кула-кула гапига хотима ясайди:

Қарзни олиб чиқишим биланоқ, қўшним юзимга тикилди. Анча вақт кўринмадингиз, хизмат сафарига кетганмидингиз, деб сўради. Қизариб-бўзариб бош ирғадим. Шундан сўнг хеч кимдан қарз олмасликка қарор қилдим. Қаёқда! Бир ҳафта ўтиб бошлиғимиздан пул сўрадим. Берди. Уч кун ўтди, ўн кун ўтди, сўнг ўн беш кун... Ҳар куни тонг отиши билан ўйлайман, қанийди сеҳргарларга ўхшаб куф-суф қилсаму бугунги кун якшанбага айланиб қолса! Аммо, бунинг иложи йўқ...

Мана шунақа гаплар!

Ҳангомалар эса ҳар кун, ҳар соатда давом этаверади.

# ИСМНИНГ ҚИЗИҚ ТАРИХИ

— Марҳаматхон деган исм аслида қиз болаларга қўйилади, нега сизни бунақа номлашган? — дея сўрайман кекса амакимдан.

Шунда у олис йиллардаги бир воқеани хотирлайди.

Ота-ўғил каттагина бошпанани тиклаймиз деб роса чиқимдор бўлишади. Бу орада хонадонда чақалоқ дунёга келади.

— Фарзанд муборак, ўғлим! — дейди ота.

— Сизга набира қутлуғ бўлсин! — дейди ўғил ҳам.

Лекин, қарашсаки ҳамён бўм-бўш, уйда ҳеч вақо йўқ, ҳатто гўдакни йўргаклашга бир парча латта ҳам қолмаган. Бунинг устига чақалоқ ҳам, онаси ҳам оч, ота-ўғилнинг роса боши қотади. Бир амаллаб кунни кеч қилишади. "Эртага бирор чорасини топармиз" дейишади. Аммо, эртасига ҳам шу аҳвол...

Кечга яқин дарвоза тақиллайди. Ота чиқса, нотаниш йигит.

— Ассалому алайкум. Биз карвон билан олисга кетгандик, узоқ қолиб кетдик. Сизлардан узр сўраймиз, омонатингизниям вақтида қайтаролмадик, — дейди у.

— Қанақа омонат? Сиз адашдингиз чоғи, ўғлим.

— Йўқ. Отам сафарга кетаётиб сиздан пул олган эди, у ёқда ишимиз юришиб кетди, бироқ юртга тезда қайтолмадик. Мана, омонатингизни олинг, отам хаста эди, ўзим келавердим.

Уйга киришгач, йигит белбоғидаги пулни хонтахта устига тўкади. Сўнг изн сўраб ўрнидан туради. У кетгач ота ўғилга дейди:

— Очиғи, қарз ёдимдан ҳам кўтарилганди. Янги фарзандга Аллоҳнинг марҳамати бу, чақалоқнинг исмини Марҳамат деб қўямиз.

— Хўп, отажон, сиз нима десангиз шу, — дейди ўғил.

Амаким бу воқеани сўзлаётиб, "менинг исмимнинг тарихи унутилган қарз билан боғлиқ" дейди.

# ЭРТАГА КЕЛИНГ, ЭРТАГА...

— Гулсарахон, шу гапни шеър қилиб ёдлаб олганмисиз, нима бало? Сизникига қатнайвериб оёғимда оёқ қолмади. Менга пул бугун жуда керак, ахир! — дейди Саломат қўшни аёлга ялингандек боқиб.

— Эртага келинг, пулингизни албатта бераман, — дейди яна у.

— Агар эртага қарзингизни узмасангиз, эрингизга айтаман, билиб қўйинг, — дея шарт-шурт чиқиб кетади Саломатхон.

Мана, уч ой ўтди. Ҳеч ўзгариш йўқ. Гулсара "эртага келинг" дейишдан чарчамайди. Саломат унинг уйига кириб-чиқавериб бўлари бўлди. "Энди эрига айтмасам бўлмайди, шекилли" ўйлади у.

Гулсаранинг эри каттакон идорада қандайдир лавозим эгаси. Уй-жойи бадастир, аёлию бола-чақасидан пулни қизғанмайди. Лекин Гулсара тушмагур "мода"нинг кетидан қувгани қувган. Нима урф бўлса шуни олиб кияди, бунга пул чидайдими, ахир? Эридан ҳадеб сўрайверишни эп кўрмай, кўпинча қўшниси Саломатдан қарз олади. Шу охирги қарзини ҳеч узай демайди...

Бир куни Саломат қўшнисиникига чиқди. "Пулимни бермасангиз кетмайман" деди қатъий қилиб. Гулсара "Тонг отсин, шунгача сабр қилолмайсизми?" деди. "Йўқ!" деди Саломат. Шу орада уй эгаси ишдан қайтди, қўшни аёлга ажабланиб қаради. Бу нарса Саломатга оғир ботди.

— Гулсарахон мендан қарз олувди, шуни сўраб чиққандим, — деди у.

— Нима? Нега қарз олади? Менга айтмаганку? — Сўнгра аёлини қийин-қистовга олди:

— Гулсара! Сенга пул нега керак бўлиб қолди? Гапир!

— Ҳалиги, мен... Янги кўйлак... олувдим!

— Сен ҳали бировдан қарз олиб кўйлак кийдиган бўлдингми? Уятсиз! — Эркак аёлининг юзи-кўзи аралаш шапалоқ тортди.

— Вой, урманг! Ҳозир тўлайман! Мана! — Гулсара халати чўнтагидан бир сиқим пул чиқардида ярмини қўшни аёлга узатди: — Манг, олинг! Вой ўлмасам, бурним қонаб кетди! — У чўнтагидан дастрўмолини олиб бурнининг устига босди.

— Бу озку, қолганиниям ҳозир беринг, — деди Саломат пулни санаб кўргач.

Гулсара чўнтагини кавлаб каловланди. Сўнг эри уйдан чиқиб қолишидан хайиқдими, яна бир даста пул чиқарди-да Саломатга узатди.

— Мана, олақолинг! Вах, бурним яна қонаяпти! Саломат шоша-пиша чиқиб кетди.

— Ниҳоят қарзимни ундирдим, — деди у уйидагиларга. — Ўзиям шу пулни менга бергунича икки марта бурни қонадия!

Қарз шунақа нарса экан...

**Гулчехра ЖАМИЛОВА**

# *ХАНДАЛАР*

— Ичувчиларни нега ҳамма ёмон кўради?

— Гапингиз нотўғри, ҳамма эмас, арақ сотувчилар яхши кўради.

* * *

— Қарая, Шарқда аёлларни отга алмашишар экан. Сен бунга ҳеч қачон йўл қўймас эдинг-а, тўғрими?

— Албатта, азизим, — деди эр пинагини бузмай, — жуда бўлмаганда автомашинага алмашган бўлардим.

* * *

— Демак, сиз жиноятчи қайнонангизни бўғиб ўлдираётганини кўргансиз?

— Ҳа!

— Нега ёрдамга ошиқмадингиз?

— Мен ёрдам бермоқчи эдим, лекин жиноятчи бу ишни менинг иштирокимсиз ҳам аъло даражада уддалаётганини кўриб аралашмай қўя қолдим.

* * *

Икки дўхтир суҳбати:

— Менинг бир беморим барча башоратларни қўшиб ҳисоблаганда ўн йил аввал ўлиб кетиши керак эди... У эса ҳалигача тирик.

— Нима ҳам дердик, агар инсон яшашни истаса, тиббиёт ҳеч нарса қила олмайди.

* * *

— Ўғлим, дарсингни қачон қилмоқчисан?

— Кинодан кейин, ойижон.

— Кинодан кейин кеч бўлади ахир?!

— Илм олишнинг эрта-кечи йўқ-ку!

# ГАП ЎРТАМИЗДА ҚОЛСИН
## Ҳажвия

Тунов куни яна ҳушёрхонага тушиб қолдим. Тавба, шунақа ҳам тартибсизлик бўладими? Қани энди инсонга ғамхўрлик? Бу ҳам етмагандек дарҳол иш жойимга хабар қилишибди. Бригадиримиз чақиртиргандаёқ юрагим ғаш бўлган эди-я.

— Кеча қаерда эдингиз?

Кутилмаган саволдан гангиб қолдим.

— Қачонгача жамоамиз шаънига доғ туширасиз?

Ич-ичимдан зил кетдим. Оҳ, ишдан ҳайдаладиган бўлдинг, Мирзакарим. Етти ухлаб туш кўрганингда ҳам энди бунақа ишни тополмайсан. Ўзингку ичкилик орқасидан урилиб-сурилиб аранг топган эдинг бу ишни. Шунга қараб арқон узсанг бўлмасмиди, дейман ўзимга-ўзим.

— Айтиб қўяй, агар бу иш қайта такрорланса, ковушингизни кийиб, тўғри кетаверасиз. Ичкиликни эплаган одам ичади. Боринг, ишингизга.

Бошқа вақт бўлгандаку, бу гап учун унга: «Сиз отамдан аълосиз» деб қуллуқ қилардим-а. Бироқ вазият нозик бўлгандан тилимни тишладиму, таъзим қилиб қўя қолдим. Ҳар қалай улфат кўрган одамда, агар олдинги бригадиримиз бўлганда бу қилмишим учун сўзсиз жамоа билан хайрлашардим.

Кечгача ичимга чироқ ёқса ёримади. Ўша куни аламимдан ичдим...

Кўзимни очсам яна ҳушёрхонадаман. Эсимга бригадиримиз берган танбеҳлар тушди. Оҳ, бу сафар ҳайдатиб юбориши аниқ. Дўстона маслаҳатнинг ҳам чегараси бўлади-да ахир.

Шу алфозда кўзим кетибди. Тушимда сувга чўкаётган эмишман. Шунча додлайман қани энди овозим чиқса. Худди бўғзимдан биров бўғиб тургандек. Ғала-ғовурдан уйғониб кетдим. Чўчиб кўзимни очсам тепамда майкачан бригадиримиз турибди.

— Бу қанақаси ўрток Қайсарбоев, кечаги дўстона маслаҳатдан чиқарган хулосангиз шуми? — дедию бир нарсани эслагандек жим бўлиб қолди.

Бирдан эшик тарақлаб очилиб, ҳушёрхона хизматчиларидан икки киши кириб келди. Улар бизни бир сафга тизиб, одатдагидек, ҳаммамизга иш тақсимлаб беришди. Худди атайлаб қилингандек бригадиримиз билан менга ювиниш хонасини тартибга келтиришни топширишди. Иккаламиз иккита пол латтани кўтариб ишга киришиб кетдик. Мен-ку майлия, бригадиримизга қийин бўлди. Ҳали бунақа ишларга ўрганмаган одамда. У гўё соқов бўлиб қолгандек эди. «Қўяверинг ўзим ҳаммасини бир зумда дўндириб ташлайман», дейишга тилим бормайди. Шундай десам гўё бригадиримизни калака қилаётгандекман. Ич-ичимдан ғижинаман, ахир инсонга бўлган ҳурмат шуми? Агар ҳушёрхонада тартиб бўлса, бизнинг бригадиримиздек улуғ сифат инсонга пол латта тутқазишармиди?

Кўчада бригадиримиз менга қараб жилмайди. Зўрма-зўраки хахолади.

— Туя кўрдингизми? — сўради у.

Мен «йўқ» ишорасини қилдим.

—Гап ўртамизда қолсин, — деди бригадиримиз менга синчков назар ташлаб.— Бугун ишга бормай қўя қолинг. Чарчагандирсиз. Уйга бориб дам олинг.

Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Хайрлашдик. Хўп, менку туя кўрмагандирман-а, ишқилиб ҳушёрхонадагилар трестга ёзишиб, эндигина сирдош бўлиб қолганимизда бригадиримиз бечорани янтоққа ағдаришмасинда. Ҳай-ҳай, ичмайдиган бригадирдан асрасин.

**Маҳмуд ОРИПОВ**

# "АЖОЙИБ ТАКЛИФ"
## КИЧИК ҲАЖВИЯЛАР

Қўзи ака анчадан бери азоб бериб юрган тишларини олдириб, бирор нарса ейишга қийналиб юрган пайтлар эди.

Бир куни кўчада кетатуриб, ногаҳон стоматология институтини эндигина битирган қўшнисининг ўғли Ёрқинни учратиб қолди. Салом-аликдан сўнг Ёрқин:

— Ия, Қўзи ака, тишга нима бўлди? — деб сўрабди.

— Тиш оғрийвериб анча безовта қилди. Олдириб қутулдим-қўйдим. Ўзинг бутунлаб берарсан-а, дўхтир, — дебди Қўзи ака оғзини бармоғи билан кўрсатиб.

— Бажонидил. Истаган пайтда ишхонамга келинг, ўзим яхшилаб қараб қўяман, — дебди дўхтир.

Қўзи аканинг афандилиги тутиб:

— Ёрқин, ука, менинг вақтим зиқлигини ўзинг яхши биласан. Шунинг учун бир таклиф айтсам. Ўзингга ҳам жуда маъқул бўлади. Яъни калламни сенга уч-тўрт кунга бериб юборсам. Тишларни шошилмай бафуржа бутунлаб, каллани яна жойига олиб келиб, ўрнатасан-қўясан, — дебди ўзи хахолаб кулиб ва дўхтирни ҳам кулдириб.

## БИТТАНГ ҲАМ БОРМАЙСАНЛАР...

Қўзи ака кўчамиздаги ҳовлисини икки ўғлига қолдириб, хотини Роҳатой билан "Назарбек"ка участка қуриб, кўчиб кетди. Серфайз кўчамиз Қўзи акасиз ҳувиллаб, жимжит бўлиб қолди. Кўчамизда тўй-ҳашам бўлса Қўзи акани албатта таклиф этардик. У киши қаерда бўлмасин, етиб келардилар. Қўзи ака кўчамизда пайдо бўлди дегунча гап қотардик:

— Қўзи ака, бизларни қачон янги ҳовлига олиб борасиз?

У киши одатдагидек ҳозиржавоблик билан:

— Биттангни ҳам олиб бормайман. Менинг кимлигимни у ердаги янги қўшниларга сотиб қўясанлар. Ҳаммангдан бирдек кўнгил тўқ. Бемалол ўз уйларингда қимирламай ўтираверинглар. Мени янги қўшнилар бошларига кўтариб, қандай иззат-ҳурмат қилишларини сенлар қаёқдан билардиларинг. "Қани, Қўзи ака юқорига чиқинг", "Қани, Қўзи ака ўзингиз бошлаб беринг", "Қани, Қўзи ака, сиздан бўлсин". Ана, қанақа бамаъни одамлар билан яшаяпман "Назарбек" да. Эссиз, эссиз, сенлар билан шунча йиллар яшаб, бекорга ўтказган умрим, — дея ҳазиллашиб, ҳаммамизни лол қолдириб кулдирардилар.

**Жаҳонгир ПИРМУҲАМЕДОВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*"Соғлом авлод учун" жамғармаси тасаррufидаги Миробод тумани, Бехтерева кўчаси, 7-уй, бинонинг 1-қавати — умумий майдони 555.5 м.кв. — (3 қисмдан иборат 91.4 кв.м.; 192.2 м.кв. 271.9 м.кв.) офис, омборхона, цех, маиший хизмат хоналари учун ижарага берилади.*

***ТЕЛЕФОН: 136-02-74***

2005 йил 27 августдан бошлаб

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКАНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ**

**КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ «ШАРҚ МАШЪАЛЛАРИ»**

**Катта халқаро байрам дастури**

**Дастурдан:**

**ўргатилган кучукчалар, маймунчалар, каптарлар билан фантазиялар, илон ўргатувчи бўғма илон билан, чавандоз йигитлар ва бошқа кўплаб иштирокчилар ҳамда қизиқарли томошалар ўрин олган.**

***ТОМОША ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!!!***

**Томошалар: шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади.**

**Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.**

**Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.**

**Касса эрталаб соат 9.00 дан ишлайди.**

**Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

● Ҳар кимнинг ичи болалар ноғораси каби бўш бўлса, унинг беҳуда овози халқ миясини, ўзининг эса халқум дарвозасини қиртишлайди.

● Яхши сўз бебаҳо бойлик асоси, камгаплик эса саломатлик сармоясидир.

**Сўз айтсанг сен фақат**
**фойдали сўз айт,**
**Бу билан жой олгин**
**элнинг дилидан.**
**Бўлмаса сўзламай**
**жим ўтир, чунки,**
**Инсонга не келса**
**келар тилидан.**

● Қадимий Юнон ҳакимларининг айтишларича, кимки беақл ва енгил бўлса, ўйламай сўзлашда дадил бўлади. Бундай кишилар сўзнинг шаҳвор дур эканини ва уни беҳуда сочиш одам учун путур эканини билмайдилар.

● Форс донишмандларидан Барзув ал Ҳаким насиҳатлари. У ёзади:

— Ҳар нарсанинг пайдо бўлиши учун бир сабаб бўлади. Шунинг учун нимаики вужудга келган бўлса, аввало унинг сабабини қидирмоқ лозим. Масалан, яхши ҳаёт кечириш сабаби муроса, сирнинг ошкор бўлмаслиги сабаби ўзгаларга ёмон ниятда кўз тикмасликда, гина сабаби бадфеълликда, дўстлик сабаби очиқ юзлиликда, жудолик сабаби, азоб, адоват сабаби хилофлик, хорлик сабаби таъма, иззат сабаби қаноат, нажот сабаби ростлик, улуғлик сабаби тавозе.

● Анушервон бир куни Юнондан:

— Энг яхши яшаш нима? — деб сўради.

Юнон унга:

— Саломат бўлиш ва хотиржамликда яшаш — яхши яшашдир. Аммо, яхши ном қолдириш кишининг абадий яшашидир! — деди.

● Ҳормус ҳаким сўзларидан. У айтади:

— Одам учун сазовор нарса шуки, у ҳикмат ўргансин, донолик илмини билсин ва уни юрагига нақш қилсин. Ҳикмат ва фазилатга етишга қаршилик тўсқинлик қилолмайди. Ҳикмат шундай нарсаки у ўзгармайди ва касод бўлмайди. Ҳикматни кимки дилига жойлаган бўлса, на ботир, на қаҳрамон, на подшоҳ ҳеч ким уни тортиб ололмайди. Киши ўз ниятини сўз билан мувофиқ қилсин, токи тили бошқа-ю, дили бошқа бўлмасин.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали жамоаси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали, Собир Раҳимов телефон боғламаси бошлиғи Ниғматилла Қурбанович Султановга рафиқаси **Мавжуда Турғуновна СУЛТАНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ҚАЙДАСАН, ХАЛОСКОР ЙИГИТ?

Эътиборингизни Фарғона вилоятида истиқомат қилувчи Обидовлар оиласидан келган қуйидаги мактубга тортмоқчимиз. Келинг, олдин воқеа тафсилоти билан сиз азизларни таништириб ўтайлик.

Ўшанда оиланинг кенжа қизи Ҳикоятхон ўрта мактабни тугаллаб Тошкентдаги Охунбобоев номли тиббиёт коллежига ўқишга кириш учун келаётган эди. Вокзалда уни деярли барча оила аъзолари кузатишди. Ота-она қизига оқ йўл тилади. Поезд йўлга чиққач, Ҳикоятхон жойлашган купега икки йигит кириб келди. Улар ширакайф эди. Ёнларида қиз бола ҳам борлигига эътибор бермай, тинимсиз сўкинишарди. Улардан биттаси халтасидан бир шиша ароқ чиқариб столга қўйди.

— Қани қуй. Зормандадан жиндек-жиндек отиб отамлашиб кетайлик. Лекин газагига ҳеч нарса йўқ.

—Тўғрингда шундай жонон қиз ўтирганда газакка бало борми?

Ҳикоятхон йигитларнинг лўқ бўлиб тикилиб турган кўзларидан ўзини қаёққа олиб қочишни билмай қолди. Ташқарига чиқмоқчи эди «ҳамроҳлари»дан бири унинг йўлини тўсди.

— Э,йўқ, биз билан биттадан отиб, ундан кейин чиқасиз йўлакка. Ахир ҳурматимиз йўқми?

—Қочинг, йўлимни тўсманг, — деди Ҳикоятхон ҳам бўш келмай.

Қиз зўр-базўр ташқарига чиқди. Вагон бошқарувчисининг олдига келиб бор гапни айтдида, бошқа купега ўтказишларини илтимос қилди. Шу дамда чойнак кўтариб хонага кирган нотаниш йигит воқеани тушуниб гапга аралашди.

— Мен билан ўрин алмаша қолсинлар...

Шундай қилишди. Ҳикоятхон қўшни хонага кўчиб ўтди. Бемаврид ўрин алмашув ҳамхона йигитларнинг ғашига тегди. Энди улар аламини сахий «қўшни»дан ола бошлашди.

Ҳикоятхон эрталаб поезддан тушиб қараса, изидан ўша нотаниш кимсалар келишяпти. Бекатда улар яна қизни ўз ҳолига қўймай, тегажоғлиқ қила бошлашди. Қарангки, кечаги «халоскор» йигит ҳам шу томонга келаётган экан, у безориларни тартибга чақириб, ўзига ташвиш орттирди.

—Сендан қутулиб бўладими ўзи? — йигитлардан бири шундай дея тўсатдан пичоқ чиқариб, ҳимоячининг қорнига урди. Жабрланувчи жароҳатини ушлаганича ўтириб қолди. Безорилар зумда жуфтакни ростлашди. Бекатга етиб келган «Тез ёрдам» жабрланувчини олди-ю жўнаб кетди...

Эртасига Тошкентга ўқишга кетган қизининг қайтиб келганини кўрган ота-она таажжубда қолди.

— Қизимиздан бўлган воқеани эшитиб, вужудимиз титраб кетди, Бизнинг фарзандимизни ҳимоя қиламан деб ўз жонига жабр қилган йигитга ачиндик, — деб ёзади мактуб эгалари. — Дастлабки кунлари виждон азобида қийналсакда, фарзандимиз соғ-саломат келганига шукр қилиб юравердик.

Кунлар ўтган сари дардимиз кучайиб бораверди. Хуллас, бизда қандай бўлмасин, ўша йигитни қидириб топиш истаги туғилди. Оиламиз билан йўлга отландик. Шифохоналарни қидира-қидира охири темир йўл касалхонасидан унинг изини топгандек бўлдик. Ҳайриятки, тузалиб чиқиб кетибди. Касалхонадан ёзиб олган манзилгоҳ бўйича қидириб борсак, у ерда бутунлай бошқа оила яшар экан.

Отахон, сизга дилимиз тубида чўкиб ётган бу воқеани баён этишдан мақсадимиз, борди-ю ушбу мактуб газета саҳифасида босилиб чиқса, балки ўша халоскор йигитнинг топилишига ёрдами тегиб қолармикан, деган ниятда қилдик бу ишни..

Биз ҳам ушбу воқеанинг ибратли томонлари ҳамда хат муаллифларининг истакларини инобатга олиб уни сиз оқшомхонлар эътиборингизга ҳавола этишни маъқул кўрдик.

## ҚАЙТАР ДУНЁ

Бир донишманд айтади: одатда дарада қандай овоз берсанг, шундай акс садо эшитасан. Ҳаётда ҳам шундай, сен одамларга нимаики қилсанг, ўзингга шундай бўлиб қайтади. Шунинг учун ҳам қариялар «Қайтар дунё бу» дейишади.

Ўн чоғли кишилар чойхонада давра қуриб қолдик. Орамизга ўрта ёшлардаги бир нотаниш киши қўшилди. У тез-тез давра тўрида ўтирган Сайфулла оқсоқолга қараб қўяр, нимадир демоқчи бўлардию, лекин даврадагилардан ийманиб дилидагини айтолмасди. Шундай эсада у оқсоқолнинг кўнглига қараб нима истаса бир зумда уни бажо келтирарди.

Сайфулла аканинг ёнида ўтирган ҳамроҳи чой қуйиб унга узатди. Шунда Сайфулла ака:

— Раҳмат, мен қора чой ичмайман. Қон босимим бор. Шифокорлар кўк чой ичишимни буюришган, — деб қолди.

Бояги киши «Мен ҳозир» дея ўрнидан турди. Оқсоқол уни тўхтатди.

— Иним жойингизга ўтиринг, чойни олиб келадиган чойхоначи бор.

Бояги киши оқсоқолнинг эътирозига қарамай жилмайганича чойнакни кўтариб кетди. Орада ивир-шивир бошланди. Кимдир шунда Сайфулла акадан: «Бу киши сизга ким бўлади» деб сўраб қолди.

Оқсоқол елка қисди.

— Билолмай турибман.

Шу орада бояги киши бир чойнак кўк чойни Сайфулла аканинг олдига қўйди.

— Раҳмат, азизим, — деди Сайфулла ака, сўнг сўради. — Сизни бироз танимайроқ турибман, биродар. Қаерда кўришганмиз сиз билан?

— Биляпман, домла, мени танимаяпсиз. Мен сизнинг собиқ ўқувчингиз Ғайратжон бўламан.

— Қайси Ғайрат? Мен...

— Ҳов ўша вақтда сизнинг синфингизда ўқиган энг интизомсиз бола эсингиздами?

— Ҳа эсладим. Жуда ўзгариб кетибсизку. Нега қараб турибмиз. Келинг бир қучоқлашиб кўришайлик...

Эндигина институтни тугатган Сайфулла ака дастлабки иш фаолиятини Сирдарёдаги қолоқ мактаблардан бирида бошлаган эди. У раҳбарлик қиладиган еттинчи синф ўқувчилари орасида Ғайратжон энг шўхи, ўт-олови эди. Бутун мактаб жамоаси унинг интизомидан шикоят қилгани-қилган. Вазият шу даражага бориб етдики, Ғайратжонни интизомсиз ўқувчи сифатида мактабдан ҳайдаш масаласигача қўйилди. Ўшанда Сайфулла ака кўпчиликнинг таклифига қарши бориб, Ғайратжоннинг бундан кейинги тарбияси билан бевосита ўзи шуғулланишини таъкидлаб, уни мактабда қолдиришни бутун жамоадан илтимос қилган эди. Ёш, иқтидорли муаллимнинг бу таклифи инобатга олинди. Ғайратжон мактабда ўқишни давом эттирадиган бўлди.

Чиндан ҳам Сайфулла аканинг таъсирида у тез орада ўзгарди. Яхши ўқийдиган, дарсларга мунтазам қатнашадиган бўлди. Интизоми яхшиланди. Бора-бора илғор ўқувчилар сафидан ўрин олди. Ўшанда иқтидорсиз ўқувчидаги бу ўзгаришни кўриб бутун жамоа Сайфулла акага тан берган эди. Омадни қарангки, аълочи ўқувчилар қолиб, Ғайратжон ўша йили политехника институтига қабул қилинди. У устози Сайфулла акани унутмади. Ҳар гал қишлоққа келганида устози билан кўришиб турди. Кейин ўқишни тугатиб узоқ юртга аспирантурага кетди. Шундан кейин домла билан алоқалари узилиб қолди.

Сайфулла ака кўп йиллар Сирдарёда ишлади. Ўқитувчи, мактаб директори, ҳатто туман ва вилоят халқ таълими бўлими мудири лавозимларигача кўтарилди. Охири қарилик нафақасига чиқиб, ўзи униб-ўсган Тошкентга қайтиб келди.

Мана бир неча йилдирки, у маҳаллага оқсоқол. Фан доктори Ғайратжон эса кўп йиллар турли вилоят олий ўқув юртларида талабаларга таҳсил берди. Шу йиллар давомида у устози Сайфулла акани кўп эслади. Лекин учрашиб, кўришишнинг иложи бўлмади.

Бу сафар у ёзги таътилда домласини топиб, албатта у билан учрашишга аҳд қилган эди. Мана қидира-қидира шу ердан топди. Узоқ йиллардан сўнг топишган устоз ва шогирднинг ширин суҳбатидан таъсирланган даврадагилардан кексаларидан бири «Қайтар дунё бу» деб қўйди. Ҳа, бу дунё азалдан ўзи шунақа. Кимга қандай қайтади? Яхшиларга яхшилик билан, ёмонларга ёмонлик билан қайтади.

# МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

**15 ОКТЯБРЬ, ШАНБА**

**Сайёраларимизнинг бугунги жойлашиши сиз билан биздан таваккалчилик қилмай, ҳамма нарсада эҳтиёткор бўлиш ва саломатлигингизни асрашни талаб этади. Мунажжимлар бугун хайр-садақа, ҳамдардлик ва муҳтожларга ёрдам қўлини чўзадиган кун деб тавсифлашган. Ҳинд башоратчиси Брахмагупта бу тавсияларни бажармаганларни ақлсиз кишилар деб атайди.**

**ШАНБА МАСЛАҲАТЛАРИ:**

— имкон қадар эски ишларингизни давом эттириш;

— ҳар қандай вазиятда содда ва табиийликка интилиш;

— оила даврасида, яқин дўстларингиз билан дам олиш;

— истак туғилса ўзингиз муайян муваффақиятга эришган спорт тури билан шуғулланиш;

— қариндош-уруғларингизни бориб кўриш, яқин кишиларингизникида меҳмон бўлиш;

— музей, театрга бориш, об-ҳаво яхши бўлса ўрмонзор ёки шаҳар паркида сайр қилиш тавсия этилади.

**16 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА**

**Ҳа, мунажжим Лина Саванская ҳаммамизни бугун ташаббускор бўлишга, ўз интилишларимизда қатъиятлиликка даъват этади. Шунга яқин фикрдаги бошқа бир мунажжим С. Ильичёв эса, Куёш ва Сатурн кувватлари оқими сизга тўла эркин ҳаракат қилиш имконини беришини таъкидлайди. Бу эса, сиз учун ҳеч қандай жиддий тўсиқ йўқлигидан далолатдир.**

**БУГУН:**

— ташаббус кўрсатиб, мансаб-мартабангиз ҳақида қайғуриш;

— ишлаб чиқаришга оид ва бошқа шошилинч муаммоларни ҳал этиш;

— шахсий ишларингиз ёки хизмат вазифаси бўйича сафарга йўл олиш;

— тез қарор қабул қилиб, уни тезда бажариш;

— қурилиш-монтаж ташкилотлари, электрик ва чилангарлар билан мулоқотда бўлиш.

**17 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА**

**Ҳа, бугун самога қараш керак бўлади. Зеро, соат 16.04(Москва вақти билан)да Ой тутилиши рўй беради. Бизда бу ҳодиса аниқ-тиниқ кузатилмаслиги мумкин. Лекин бу ҳодисанинг таъсири бутун Ер юзига тарқалади. Шунинг учун мунажжимлар оғир ва мураккаб ишларга қўл урмасликни маслаҳат беришади. Диққат-эътиборингизни эски хасталиклар ва ёмон одатлардан халос бўлишга қаратинг. Бунинг учун Ой тутилишидан тахминан 40 дақиқача олдин контраст (иссиқсовуқ) душ қабул қилиб, танангиз қуригунча артасиз ва тоза кийимлар киясиз.**

**ДУШАНБАДА:**

— кучингизни аямай меҳнат қилинг – омадингиз ишингиз самарасига боғлиқ;

— ўзингиз учун энг оқил ишлар билан шуғулланинг;

— асосан ўз кучингизга ишониб иш кўринг;

— ўз мақсад ва режаларингизни аниқ, лўнда қилиб изоҳланг;

— ўз олдингизга реал мақсадларни қўйинг.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-908. 1 2 3 4 6